

2019

THE MANIFESTATION OF MISSIONARY INTHE PROCESSES OF GLOBAL ECONOMICCRISIS

Mansur Musayev

Republic spiritual center, Musman1997@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Musayev, Mansur (2019) "THE MANIFESTATION OF MISSIONARY INTHE PROCESSES OF GLOBAL ECONOMICCRISIS," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Mansur MUSAYEV,*The liable staff of Republic spiritual center
The appearance of missionary in global economical
processes. "Tashkent", Uzbekistan
Musman1997@mail.ru***ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ТАНАЗЗУЛ
ЖАРАЁНЛАРИДА МИССИОНЕРЛИКНИНГ
НАМОЁН БЎЛИШИ****ПРОЯВЛЕНИЕ МИССИОНЕРСТВА
В ПРОЦЕССАХ ГЛОБАЛЬНОГО
ЭКОНОМИЧЕСКОГО КРИЗИСА****THE MANIFESTATION OF MISSIONARY IN
THE PROCESSES OF GLOBAL ECONOMIC
CRISIS**

Калит сўзлар: дин, сиёсат, миссионерлик, глобал, таназзул, ҳарбий, маданий, мафкура, халқаро иқтисод, ахборот, коммуникация, интервенция.

Ключевые слова: религия, политика, миссионерство, глобализация, кризис, военная сила, культура, идеология, международная экономика, информация, коммуникация, интервенция.

Key words: religion, politics, missionary work, globalization, crisis, military force, culture, ideology, international economy, information, communication, intervention.

Бугунги кунда глобал иқтисодий таназзул жараёнларининг чуқурлашувида дин орқали таъсир кўрсатиш тобора кучаймоқда. Айниқса, мазкур омилар мафкуравий курашнинг энг катта таъсирчан куч сифатида намоён бўлишига замин яратмоқда. Зеро, мафкура полигонларида олиб борилган кураш учун жуда катта сармоялар сафарбар қилинаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Глобаллашув даврида энг кўп кузатилаётган ҳолатлардан бири сифатида «беғараз» ёрдам ниқоби остида эркинлик ва демократияни олға суриш каби «эзгу» ғояларни одатда нефть ва газга бой минтақаларда ёйишга бўлган ҳаракатлар тобора кучаяётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, дунё миқёсида назорат қилишнинг турли хил стратегик мақсадлар: сиёсий, ҳарбий, маданий, мафкуравий, иқтисодий, инфорацион ва коммуникацион

кўринишларида намоён бўлиши анча таҳликали ва ташвишлидир. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: «Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу – замон талаби» [1], – дея таъкидлаган эди. Айнан дунё миқёсида мафкуравий кураш энг катта таъсирчан қурол сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, глобаллашув жараёни дастлаб халқаро иқтисод ҳамда ахборот ва коммуникация соҳаларида намоён бўлган бўлса, бугун ўзининг бетўхтов ривожланиши натижасида дунё мамлакатлари тараққиётининг деярли барча муҳим жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу тариқа, ушбу жараён мамлакатларнинг нафақат ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларига, балки уларнинг ички сиёсатига бевосита таъсир ўтказмоқда [2; 46 б.].

Бугунги кунда глобаллашув ғояси муаллифлари фаолиятида дин бехато ташланаётган қадам ҳисобланади. Хусусан, дунёда фан ва техника тараққиётига нисбатан дин шахсий ва оммавий ҳаётда анча кўзга ташланувчан кучга айланмоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашувида дин орқали таъсир кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа, глобаллашувнинг авж олиши дунё миқёсида умумлашган ғояларни илгари сураётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

Глобаллашувнинг мазкур ҳолати давлат миқёсида миллат, маданият ва қадриятларни рад этувчи ғояни тарғиб этмоқда. Бу ҳақда германиялик социолог, профессор Ульрих Бек: «Глобаллашув энг аввало миллатсизланиш, миллий давлат қарашларининг йўқолиши ва тушунарсиз трансмиллий ҳаёт шаклидир» [3], – дея таъкидлаган эди. Айнан мазкур ҳолат глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви оқибатида анъанавий динларнинг заифлашуви, ноанъанавий динларнинг эса кучайишига хизмат қилаётганлиги кузатиламоқда.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятини ноанъанавий динларнинг фаолияти ташвишга солмоқда. Айнан дунё миқёсида ноанъанавий динларнинг ижтимоий намоён бўлиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда. Бир миллатга мансуб, бир тилда сўзлашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган фуқароларни диний асосда бўлиб ташлашга қаратилган ҳаракатлар ҳар қандай жамият ҳамда давлат учун таҳдид туғдирмоқда.

Мақолада глобал иқтисодий таназзул жараёнларида миссионерликнинг намоён бўлиши тўғрисидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада глобал иқтисодий таназзул жараёнларининг чуқурлашувига дин орқали таъсир кўрсатишида мафкуравий кураш энг катта таъсирчан куч сифатида намоён бўлаётганлиги ёритилган. Зеро, мафкура полигонларида олиб борилаётган кураш учун жуда катта сармоялар сафарбар қилинаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Глобаллашув даврида энг кўп кузатилаётган ҳолатлардан бири сифатида «бегараз» ёрдам ниқоби остида эркинлик ва демократияни олға суриш каби «эзгу» гоёларни одатда нефть ва газга бой минтақаларда ёйишга бўлган ҳаракатлар тобора кучаяётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, дунё миқёсида назорат қилишнинг турли хил стратегик мақсадлари: сиёсий, ҳарбий, маданий, мафкуравий, иқтисодий, инфорацион ва коммуникацион кўринишларида намоён бўлиши анча тахликали ва ташвишдир. Дунё миқёсида мафкуравий кураш энг катта таъсирчан қуро сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, глобаллашув жараёни дастлаб халқаро иқтисод ҳамда ахборот ва коммуникация соҳаларида намоён бўлган бўлса, бугун ўзининг бетўхтов ривожланиши натижасида дунё мамлакатлари тараққиётининг деярли барча муҳим жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу тариқа, ушбу жараён мамлакатларнинг нафақат ташқи, сиёсий ва иқтисодий алоқаларига, балки уларнинг ички сиёсатида бевосита таъсир ўтказаяётганлиги тўғрисидаги фикрлар ёритилган.

В статье анализируется формы проявления миссионерства в условиях глобального экономического спада. В статье уточняется, что в условиях углубления глобального экономического кризиса идеологическая борьба посредством религии является наиболее влиятельной силой. Действительно, стоит отметить, что для борьбы на идеологическом фронте мобилизуются огромные инвестиции. Одним из наиболее часто встречающихся явлений в эпоху глобализации является растущая тенденция распространения идей «О безвозмездной помощи» и содействия развитию свободы и демократии. Они обычно распространяются в регионах богатых нефтью и газом. В частности, глобальный контроль проявляется в различных стратегических целях: политических, военных, культурных, идеологических, экономических, информационных и коммуникационных. Во всем мире идеологическая борьба является одним из самых эффективных видов оружия. Первоначально процесс глобализации отразился в международной экономике и информационно-коммуникационной сфере и сегодня в результате его непрерывного развития охватывает практически все аспекты мирового развития. Таким образом, в статье отражаются взгляды о том, что данный процесс оказывает непосредственное влияние не только на внешнюю политику и экономические отношения стран, но и на их внутреннюю политику.

This article analyzes the forms of missionary manifestation in a global economic downturn. The article clarifies that in the face of a deepening global economic crisis, the ideological struggle through religion is the most influential force. Indeed, it is worth noting that huge investments are being mobilized to fight on the ideological front. One of the most frequently occurring phenomena in the era of globalization is the growing tendency to spread the ideas of "Gratuitous Aid" and to promote the development of freedom and democracy. They are usually distributed in regions rich in oil and gas. In particular, global control manifests itself in various strategic objectives: political, military, cultural, ideological, economic, informational, and communication. Worldwide ideological struggle is one of the most effective weapons. Initially, the process of globalization was reflected in the international economy and the information and communication sphere and today, as a result of its continuous development, it covers almost all aspects of world development. Thus, the article reflects the views that this process has a direct impact not only on the foreign policy and economic relations of countries, but also on their domestic policy.

Айни пайтда инсониятнинг кўп асрлик тарихи диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, ундаги гоёларни вайронкорлик руҳида талқин этиш инсонлар бошига кўплаб кулфатлар келтирганини кўрсатади. Замонавий воқелик диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш давом этиши баробарида, у ўта нозик тус ва хатарли кўринишлар олаётганидан гувоҳлик бермоқда [4; 90 б.].

Бугунги кунда ноанъанавий диний жамоаларнинг тарғибот ва ташвиқотлари конфессиялараро низоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, айрим диний ташкилотларнинг ўз сафларини кенгайтириш мақсадида ўзга дин вакиллари ўртасидаги

миссионерлик тарғиботи диний адоватларга сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатлар Африка ва Осиё минтақасидаги қатор мамлакатларда миссионерлик натижасида туб аҳолининг диний таркибидаги мувозанатнинг бузилишига замин яратмоқда. Натижада, мазкур ҳолатни миссионерлик оқибатида турли дин вакиллари орасида доимий равишда диний адоватлар келиб чиқаётган можаролар мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Африканинг шиоли-шарқий қисмида жойлашган Судан Республикасининг асосий нефть захиралари жойлашган жанубий ҳудудлари ўтган аср давомида католик ва протестант миссионерлари томонидан фаол хрис-

тианлаштирилган эди. Ушбу ҳудудда марказий ҳукуматга қарши қуролли чиқишлар оқибатида, айрим маълумотларга кўра, 1,5 млн.га яқин одам нобуд бўлган. 2011 йили Африкадаги энг йирик давлат ҳисобланган мазкур мамлакат мусулмонлар кўпчилигини ташкил этувчи Судан аҳолисининг асосий қисми христианлардан иборат жанубий Судан Республикасига бўлиб юборилди [5]. Ваҳоланки, миссионерлик оқибатида ўтмишда буюк маданият ва тараққиёт даврларини бошидан кечирган халқ ва миллатлар ўртасида ўзаро низо ва адоватларнинг кучайишига замин яратаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Айнан мазкур ҳолат туфайли Индонезиянинг христианлаштирилган шимолий ҳудудлари – Суматра, Сулавеси ва Молукко ҳудудларида муттасил равишда мусулмонлар ва христиан прозелитлари ўртасида диний низолар асосида тўқнашувлар, қотилликлар, террорчилик ҳаракатлари рўй бериб туради [6; 113 б.].

Бинобарин, дунёдаги «айрим» сиёсийлашган диний марказлар томонидан мазкур омиллар мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлат шовинизми ва халқаро муносабатларда диний зўравонлик асосида мамлакатда парокандаликни келтириб чиқарди.

Шу тариқа, «иқтисодий ёрдам» кўрсатиш баҳонасида ривожланаётган давлатларнинг ички ишларига аралашув сингари қонунга зид ҳаракатлар кузатилмоқда. Ўз навбатида мазкур ҳолат муайян минтақа ва ҳудуд миқёсида диний қарама-қаршиликларни кучайтирмоқда, оғир иқтисодий вазиятлар туфайли вужудга келаётган омиллар аксарият ҳолатларда кўпгина давлатларда ҳукуматга қарши бўлган диний ташкилотларни вужудга келтирмоқда. Дунё миқёсида давом этаётган глобал иқтисодий таназзул жараёнлари даврида миссионерлик фаолиятида асосий эътибор қаратилаётган омиллардан бири бу «беғараз» ёрдам бериш ниқоби остида олиб борилаётган фаолиятдир.

Глобаллашув шароитида иқтисодий таназзул жараёнларида дунёдаги «айрим» сиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик мақсадларини амалга оширишда «нишон» сифатида танланган мамлакатни ўзига тобе қилишда миссионерликдан фойдаланилмоқда. Айниқса, муайян минтақа ва ҳудудда яшовчи аҳолининг энг ночор кам таъминланган қатламни аниқлаш орқали уларга «режали беғараз» ёрдам кўрсатиш баҳонасида ички ишларига бевосита аралашув сингари қонунга зид

ҳаракатларни ўзида намоён этмоқда. Жаҳонда геосиёсий кучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини «экспорт» қилиш орқали дунёга ҳукмронлик учун очикдан-очик даъвогарлик қилиши ҳеч кимга янгилик эмас [7; 86 б.].

Дунё миқёсида глобал иқтисодий таназзул жараёнларида ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, бозорнинг шафқатсиз рақобати, иқтисодий инқироз туфайли омманинг диний психологиясини ўзгартириши миссионерликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга замин яратмоқда. Айнан мазкур омиллар мамлакат миқёсида ижтимоий иллат сифатида намоён бўлаётганлиги миссионерлик учун «қулай» шарт-шароитларни яратмоқда. Натижада, муайян минтақа ва ҳудудда маҳаллий анъана ва қадриятларга раҳна солиш орқали Ғарб турмуш тарзини қарор топтирмоқда. Айниқса, муайян минтақа ва ҳудудда вужудга келаётган янги диний ҳаракат (ЯДХ)ларнинг миссионерлик фаолияти уч босқичда амалга оширилмоқда. Яъни: «миссионерлик ҳудуди»ни ўрнатиш, уни хорижий сармоялар асосида молиялаштириш орқали диний жамоалар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, миссионерликнинг фаол тарғибот ва ташвиқоти орқали олдин мавжуд бўлмаган юзлаб христианлик конфессиялари вужудга келмоқда.

Миссионерликнинг кучайиши жаҳон миқёсида глобал ижтимоий-иқтисодий инқироз даврида давлатларни бир тузумдан иккинчисига ўтиш шароитида авж олмақда. Хусусан, дунё миқёсида миссионерликнинг кенг кўламдаги фаолияти миссионерлик ташкилотларини кенгайтирмоқда. Зеро, мазкур ҳаракатга халқаро миқёсда ҳомийлик қилаётган сиёсий марказлар, молиявий доиралар, алоҳида шахсларнинг доимий эътиборида эканлиги миссионерликка нисбатан жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Айниқса, «айрим» сиёсий марказлар кўмаги остида «беғараз» молиявий ёрдам кўрсатиш ва турли хайрия жамғармалари ниқоби остида қўллаб-қувватлаш масаланинг бу борада жиддий эканлигини тақозо этади. Миссионерлик ташкилотлари ўз фаолиятларини тизимли ташкил этиш мақсадида Европанинг йирик коллеж ва олий ўқув юрларида юксак малакали миссионерларни тайёрлашга ўзларининг истиқболли режалари сифатида эътибор қаратишмоқда. Миссионерлик ташкилотлари муайян минтақа ва ҳудуддаги иқтисодий ночор мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш

Жаҳолатга қарши маърифат

ниқоби остида «имтиёзли кредитлар» ажратиш орқали, ривожланаётган мамлакатлардаги қашшоқликка қарши курашда ёрдам бериш баҳонасида ўз ғояларини ёйишга уринмоқдалар.

Аксарият ҳолатларда миссионерлик ташкилотларининг «иқтисодий» ёрдам кўрсатиш доирасида маърифий, маданий ва хайрия каби ҳар қандай «беғараз» ёрдам нодиний фаолиятга ўхшаб кўринса-да, аслида, мазкур ҳаракатлар миссионерлик фаолиятининг узвий қисмидир. Чунки миссионерликда иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали ўз диний таълимотини оммалаштиришга бўлган ҳаракатлар намоён бўлади. Шу тариқа, глобал иқтисодий инқироз жараёнида «беғараз» ёрдам кўрсатиш ниқоби остида йўналтирилаётган миссионерлик ҳаракатлари орқали ночор давлатларнинг нафақат ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларига, балки уларнинг ички сиёсатида таъсир ўтказиш каби ҳолатлар вужудга келмоқда. Бу ҳақда Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Кўпдан буён кузатилаётган ҳақиқат шундан иборатки, нима учундир эркинлик ва демократияни одатда нефть ва газга бой давлатлар, минтақаларга ёйишга, ривожланишга зўр берилади» [8;393 б.]. Бинобарин, глобаллашувнинг шиддатли тус олиши бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеликка теранроқ назар қаратишни тақозо этмоқда. Хусусан, миссионерлик ҳаракатларининг фаоллашуви айнан геосиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, табиий захираларга бой минтақа ва ҳудудлар миқёсида авж олмақда. Натижада, глобал миқёсда фаолият кўрсатишга интилаётган миссионерлик анча мураккаб кўринишдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Миссионерлар муайян ҳудудда ўз фаолиятини йўлга қўйишда муҳим ҳудудларни белгилаб оладилар. Глобал даражада миссионерлик лойиҳаларида алоҳида мамлакат ёки минтақа эътиборга олинади [9; 111 б.].

Миссионерлик дунё миқёсидаги глобал муаммолар сирасига кирувчи этник, диний, миллий, ҳудудий, экологик, сув тақсимооти каби масалалардаги низоли муаммоларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, мавжуд муаммоларни бўрттириш оқибатида унга сиёсий тус бериб, муайян минтақа ва ҳудуддаги вазиятни издан чиқаришга интиланаётганлиги айниқса ташвишлидир. Мутахассислар томонидан ўтказилган «стратегик тадқиқотлар» натижасига кўра, миссионерлик дунёда глобал миқёсда турли конфликтда ва қатъий геосиёсий босимда эканлиги таъкидланади.

Миссионерлик таъсири остида ҳар қандай халқ ва миллатнинг маданий илдиизига таҳдид солиш орқали ўта радикал миллатчилик ҳаракатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Натижада, мазкур ҳаракатлар оқибатида дунёда глобал миқёсда этник ва миллатлараро можароларнинг тобора авж олиши ҳар қандай халқ ва миллатнинг менталитетига раҳна солиш орқали маънавий тубанлик гирдобига етакламоқда. Шу тариқа, миссионерлик оқибатида «айрим» сиёсий кучлар ўзининг гегемонлигини ўрнатиш мақсадида ғоявий-мафкуравий, геосиёсий, маданий жиҳатдан устунликка эришишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, глобал иқтисодий инқироз даврида миссионерлик дунёнинг ночор давлатлари тараққиётига гўёки «иқтисодий» ёрдам кўрсатиш баҳонасида қашшоқлик, очлик, ночорликни бартараф этиш мақсадида «мақсадли» ёрдамни тавсия этмоқда.

Хориждан йўналтирилаётган «мақсадли» иқтисодий ёрдам таъсирида ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тенгсизлик тобора кескин тус олиши оқибатида бир қатор таҳдикали вазиятлар вужудга келмоқда. Ваҳоланки, миссионерлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган «мақсадли» ёрдам мазкур минтақалардаги муаммоларни ҳал этиш учун эмас, балки мазкур давлатларни ўзларига иқтисодий қарам қилиш орқали ўзларининг моддий жиҳатдан юксалишига замин яратмоқда. Айнан миссионерлик ташкилотлари томонидан «мақсадли» йўналтирилаётган иқтисодий ёрдам туфайли муайян минтақа ва ҳудуд миқёсида ноанъанавий диний жамоалар кўпайиб бормоқда. Шу тариқа мавжуд диний ташкилотлар ўртасида вужудга келлаётган диний тафовутлар оқибатида конфессиялараро низолар кучаймоқда. Натижада, мазкур ҳолат диний асосдаги тўқнашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Глобаллашув шароитида цивилизация модернизация жараёнлари ўзаро зиддиятли бўлгани боис инсоният цивилизациясининг инқирозидан далолат беради. Маълумки, инқирознинг асосини глобал капитал агентлари бўлмиш трансмиллий корпорацияларнинг ғаразли манфаатлари ташкил этади. Бунинг оқибати ўлароқ айрим цивилизациялар ва динларнинг глобал тарзда миссионерликка қўла уриши кузатиламоқда, аммо уларнинг сиёсати бошқа цивилизациялар вакиллари ёки «бегона»лар учун зарарли деб баҳоланиши мумкин. Мазкур фикрлар тасдиғи сифатида XVI асрда вужудга келган

мустамлакачи империялар жаҳон мустамлака тизининг пайдо бўлишига замин яратди.

Ғарбнинг йирик давлатлари мустамлакаларга нафақат иқтисодий, сиёсий, балки маданий гегемонлигини ҳам экспансия қилди. XX аср ўрталарига келиб дунёда мустамлака тузумлари инқирози глобал миссионерликка бўлган эҳтиёжни тугатишга замин яратди. Аммо, бугунги кунда Ғарб маданиятининг ўз устунлигидан маҳрум бўлганига кўникиш ҳосил қила олмайдиган айрим радикал гуруҳлар миссионерликдан воз кечмаётганлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, миссионерлик тарафдорлари ўзга цивилизация ресурсларини эксплуатация қилиш ҳисобига иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларнинг кўпгина жиҳатларида ёрқин муваффақиятларга эришмоқда. Шу ўринда миссионерлик ташкилотларининг стратегиясига эътибор қаратилса, одатда улар ўз мақсадларини расман ошкор этишмайди. Ташкилот аъзолари гўёки ўз ғояларини ниқоблаш мақсадида «бизнинг мақсадимиз – камбағалликни умуман йўқ қилиш» деган сўзлар ортида аслида эса «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» дея чиройли ниқобланган шиорлар остида фаолият кўрсатиши намоён бўлмоқда.

Глобаллашув шароитида вужудга келган иқтисодий инқироз даврида миссионерлик оқибатида «беғараз» ёрдам кўрсатиш баҳонасида иқтисодий ёрдам тариқасида берилаётган моддий ва молиявий ёрдам диний асосда жиддий хатарларнинг вужудга келишга замин яратмоқда. Натижада, мазкур омиллар нафақат диний эркинликнинг ҳолатига, балки дунёдаги тинчликка ҳам катта хавф туғдирмоқда. Зеро, миссионерлик оқибатида содир этилаётган ҳаракатлар, инсон диний ҳуқуқларининг ачинарли ҳолати бевосита диний аснодаги ва қуроли келишмовчиликларнинг вужудга келиши пировард натижада диний адоватни кучайтирмоқда.

Миссионерлар ўзларининг асл мақсадларини дин манфаатлари билан ниқоблашга уринади. Шу боис бундай миссионерлик гуруҳларининг ваъзаларида Худо кўп тилга олинади. Натижада, христианлик дини ва хусусан Ғарб лойиҳаси халқаро ахборот тармоғида дунёдаги энг илғор, тақлид қилса арзийдиган мафкура сифатида тарғиб қилинади. Айнан мазкур омиллар, миссионерлик жабҳасидаги ҳужум дунё миқёсида геосиёсий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада, мазкур ҳолат дунё қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали муайян минтақа ва ҳудуд миқёсида геосиёсий таъсир доирала-

рини қайта тақсимлашга бўлган ҳаракатлар эканлиги кўринмоқда. Зеро, миссионерлик гўёки динни тарғиб этиш орқали амалга оширилаётган тарғибот билан аслида сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан экспансия этишни мақсад қилиб қўяди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарбдаги сиёсий, ҳарбий кучларнинг дунёвий гегемонликка интилиши оқибатида ҳарбий кучлари билан христиан миссионер ташкилотлари ўртасидаги яқин алоқалар уларнинг янгидан «ҳужум»га ўтишларига имкон берди. Шу тариқа, миссионерлик глобал иқтисодий инқироз даврида «беғараз» ёрдам кўрсатиш ниқоби остида ҳар бир давлатда мавжуд очиқ ёки яширин кўринишдаги ғоявий кўринишнинг бир қисми сифатида намоён бўлиб, глобаллашув жараёнида иқтисодий инқироз даврида дунёда гегемонлик қилишга интилиш тобора кучаймоқда. Бир неча аср олдин колониялаштириш христианликнинг шиорига айланган бўлса, ҳозирда «жаҳонга кириб бориш» [10], айнан миссионерлик ҳаракатларининг асл мақсади бўлиб қолмоқда.

Ахборот-таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра, диний соҳага бевосита дахлдор ушбу глобал ҳодисалар тобора чуқурлашиб ва кенг қамров касб этиб бормоқда. Зеро, миссионерлик ташкилотлари ўзларининг разил мақсадларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда тобора ойдинлашмоқда. Хусусан, мазкур кучлар ўзларининг катта молиявий маблағлари ҳисобидан гўёки «беғараз» ёрдам кўрсатиш баҳонасида дунё миқёсидаги иқтисодий барқарорликка раҳна солмоқда. Натижада, миссионерлик глобал миқёсда инсон қалби ва онгини ҳамда тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкура сифатида намоён бўлаётганлиги ташвишлидир. Айниқса, кейинги вақтларда мана шундай кўрсатилаётган «молиявий» ёрдам аксарият ҳолатларда этник ва диний низоларнинг тобора авж олишига замин яратмоқда. Хусусан, ижтимоий-гуманитар ниқоби остида йўналтирилаётган «моддий» ёрдам замирида динлараро адоватнинг кучайиши муайян минтақа ва ҳудудда ижтимоийиқтисодий номуаносибликни вужудга келтирмоқда. Натижада, мазкур ҳолат жамиятдаги тинч тараққиёт жараёнини издан чиқариш орқали тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Бундай ҳолатларга мисол тариқасида Афғонистон, Босния, Фаластин, Исроил, Олстер, Ҳиндистон, Цейлондаги низоли вазиятларни келтириб ўтиш жоиз. Зеро, мазкур салбий вазиятларнинг вужудга кели-

Жаҳолатга қарши маърифат

ши энг аввало, ноқонуний фаолият юритаётган диний оқимлар хусусан, миссионерлик ҳаракатлари эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ислом Каримовнинг «...омма онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда» [11; 61 б.], – деган сўзлари аини ҳақиқат эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, «айрим» сиёсий марказлар томонидан бошқарилаётган миссионерлик «маблағлари» ўзининг белгиланган дастур ва режаларидан четга чиқаётганлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда миссионерлик ташкилотлари томонидан йўналтирилаётган «молиявий» ёрдам туфайли муайян минтақа ва ҳудудда яшовчи фуқароларнинг қалби ва онгида «ўзгача» дунёқарашни шакллантиришга замин яратмоқда. Натижада, «беғараз» иқтисодий ёрдам ниқоби остида фаолият кўрсатаётган миссионерлик ҳаракатлари ўз навбатида дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Айниқса, «беғараз» иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали миссионерлик замирида ғарбча дунёқараш ва турмуш тарзи кенг тарғиб этила бошланди. Шундай қилиб, Ғарбда раҳнамолик қилувчи ва глобаллашув ҳаракатида қатнашувчи оқимни ғарб экспертлари протестантизм деб атайдди [12].

Дунё миқёсида ҳозирги глобал иқтисодий таъназул давом этаётган бир вақтда баъзи ўткир масалаларни ҳал этиш учун иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий-иқтисодий «ёрдам» аста-секин сиёсий шартлар кўринишидаги баёнотларнинг юзага чиқиш имкониятларини кучайтирмоқда. Айнан сиёсий шартлар кўринишидаги молиявий-иқтисодий «ёрдам» замирида тараққиёт сари интилаётган ёш давлатларда тартибсизлик ҳаракатларининг авжига чиқишига замин яратмоқда. Шу тариқа, етакчи давлатлар молиявий-иқтисодий «ёрдам» кўрсатиш орқали ўз гегемонлигини халқаро саҳнада кучайтиришга ўзларининг асосий мақсадлари сифатида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Натижада, айрим мамлакатлар давлат бошқарувида мана шундай «уйинлар»нинг гирдобига тушмоқда. Мутахассислар бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан туриб зўр бериб илгари суришга ҳаракат қилинаётган «тизимий қайта қуриш» ғоясини усталик билан ниқобланган мафкуравий стратегия сифатида баҳоламоқда [13;39 б.].

Ўз навбатида, мазкур ҳолатда бундай давлатларда ҳокимият бошқаруви ноаниқ кучлар қўлига ўтиб кетиш хавфи намоён бўлмоқда. Зеро, глобал тарзда тобора кучаяётган миссионерлик ҳаракатлари оқибатида миллатчилик, айирмачилик, антисемитизм, империяпарастлик, евроцентризм ғояларининг намоён бўлаётганлиги, сиёсий ҳаётни издан чиқараётганлиги ташвишлидир. Глобал миқёсда молиявий-иқтисодий «ёрдам» кўрсатишга интилаётган миссионерликнинг «саъй-ҳаракатлари» оқибатида илгари сурилаётган ғоялар аслида иқтисодий моҳиятга кўра, кўпроқ мафкуравий тазйиқ ўтказиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашув воситаси сифатида намоён бўлаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Айниқса, иқтисодий молиявий «ёрдам» кўрсатиш баҳонасида намоён бўлаётган миссионерлик ҳаракатлари муайян минтақа ва ҳудудда яшовчи аҳолининг ўзига хослиги емирилиши оқибатида миллий давлат имкониятларининг торайишига замин яратмоқда. Натижада, мазкур ҳолат дунё тартиботига ва жаҳон сиёсий тараққиётига нисбатан раҳна солувчи салбий таъсирларни келтириб чиқармоқда. Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: «Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда» [14], – дея таъкидлаши аини ҳақиқатдир. Зеро, буюк ўтмиш ва шонли тарихга эга юртимиз мустақиллигига раҳна солувчи ҳар қандай хавф-хатарлар, хусусан, миссионерлик таҳдидларидан мунтазам огоҳ, сезгир, хушёр бўлишни ҳар бир юртдошимиз англаши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 22 dekabrda Oliy Majlisga qilgan murojaatnomasi <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-oliy-22-12-2017>
2. Shaimqulov A. Globallashuv davrida izchil demokratik taraqqiyot xavfsizligini ta'minlash. Demokratlashtirish va inson huquqlari. 2014 yil №1. – B. 46.
3. Ul'rix Bek. Chto takoe globalizatsiya? – <http://www.old.kspu.ru/ffec/philos/chrest/g18/bek.html>.
4. Muhammadsidiqov M. Afrika davlatlarida din omilining etnik va millatlararo ziddiyatlar yuzaga kelishiga ta'siri. Ijtimoiy fikr – inson huquqlari. 2015 yil №2(70). – B. 90.

5. Filatov S. Sudan: ostriye pristupi «nezavisimosti». Sayt «Mejdunarodnaya jizn`», 28.05.2012. URL <http://interaffairs.ru/read.php?item=8496>

6. Xasanboev O'. O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. – T.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. – T.: 2014. – B.113.

7. Bozorov O. Bugungi kunning eng dolzarb vazifasi. Tinchlik – bebaho ne'mat. Tinchlik va osoyishtalik – oliy ne'mat. /mas'ul muharrir Shayx Abdulaziz Mansur; O'zbekiston musulmonlari idorasi; Milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi. – Toshkent: «Movarounnahr», 2013. – B. 86.

8. Karimov I. O'zbek halqi hech qachon, hech kimga qaram bo'lmaydi. 13-jild, – Toshkent: O'zbekiston, 2005. – B. 393.

9. Xasanboev O'. O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. – T.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. 2014. – B. 111.

10. «Azbuqa prepodavaniya prav cheloveka» (podgotovlena OON v kachestve sredstva obrazovaniya v oblasti prav cheloveka. – http://www.un.org/russian/hr/abc/ch3_12.html.

11. Karimov I.A. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lida. 6-jild. – T.: O'zbekiston. 1998. – B 61.

12. Richard Djon Neyxauz. Biznes i Yevangelie. – http://www.krotov.info/libr_min/n/neretina/neuh_02.html.

13. Nazarov A.N. Globallashuv sharoitida barqaror siyosiy taraqqiyot xavfsizligini ta'minlash muammolari. O'zMU xabarlari. №1/1 2016 yil. – B 39.

14. Millatlararo do'stlik va hamjihatlik – xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25 yilligiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>

